

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚУМИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 83 (65959)
1996 йил, 9 ноябрь, шанба

Сотувда эркин
нархда

Мен Дилмуродни китоб магазинида учратдим. У хуноб булиб қандайдир китобни изларди. Унга яқинроқ бориб нимани излаётганини сурадим. Дилмурод узбек халқ дostonларини излаб тополмаётганлигини айтди. Узбек халқ дostonларига ишқи тушган бу болажон билан негадир суҳбатлашгим келиб кетди. Суҳбатдошимиз Дилмурод Исҳоқов Тошкент шаҳридаги А. Авлоний номидаги 40-мактабда уқийди.

— Дилмурод, қайси дostonларни уқигансан?

— «Авазхон», «Кунтуғмиш», «Ойсулук», «Алпомиш» дostonларини уқиганман.

— Нима учун сенга эртақ, ҳикоя ёки бошқа асарлар эмас, дostonлар купроқ ёқади?

— Чунки уларда тасвирланаётган воқеаларни куриб тургандай буласиз. Худди ҳаммаси ростга ухшайди.

— Дostonларни уқишга қийналмайсанми?

— Йук, купинча уларни узим уқийман. Чарчаб қолгудай бўлсам, акам уқиб бердилар. Мен мазза қилиб эшитаман.

— Мактабни яхши курасанми?

— Жуда ҳам яхши кураман. Дам олиш кунлари тезроқ тугашини истайман. Дарров мактабни соғиниб қоламан.

— Синфдаги ҳамма болалар билан келишасанми?

— Ҳа, фақат қизлар билан келишолмайман.

— Нега?

— Улар жуда куп гапиришади, тез-тез уришиб туришади. Мен уришқоқларни ёмон кураман. Кейин чақимчиларни ҳам.

— Дилмурод, дейлик кучада болалар билан мушглашиб қолдинг, калтак ҳам единг, шунда йиглаб уйга келиб даданг билан ойингга айтиб берасанми?

— Йуг-ей, мени ким деб уйлаяпсиз? Мен жуда кам мушглашман. Мақтанчоқлик булса ҳам, ҳеч қачон калтак емаганман. Енгилганимда ҳам, мушт еганимда ҳам, уйдагиларга келиб айтмаганман.

— Ҳамма фанларни яхши уқийсанми?

— Фақат мусиқадан ёмон уқийман.

— Нима учун?

— Кушиқ айтиш, мусиқа

чалиш, худди қизларнинг касбига ухшайди. Мен кушиқ айтиётганимни тасаввур этолмайман.

— Яхши курган қахрамоннинг ким?

ГҮРҮҒЛИНИ КҮРГИМ КЕЛАДИ

— Амир Темур.

— Бу буюк бобомиз ҳақида нималарни биласан?

— Жуда зур саркарда булган. Мағлубиятни ҳам, галабани ҳам ҳалол бусагина тан олган. Камбағалларга ёрдам берган, барча мамлакатларни бирлаштирмоқчи булган.

Яқинда ойижоним билан Амир Темурнинг янги очилган музейга бордик. Менга жуда ёқди. Мен музейга боргач, яна бир нарсани билиб олдим. Темурнинг зур қиличи булган экан. Уша қиличда «Куч—адолатда» деган ёзув булган экан.

— Менга айт-чи, «адолат»

деганда нимани тушунасан?

— Адолат — бу ноҳақ ёмонлик қилмаслик, ёлгон гапирмаслик. Яна билмадим....

— Темурнинг адолатли саркарда эканлигини тасдиқлайдиган тарихий воқеалардан биласанми?

— Темурнинг қул остидаги шаҳарлардан бирининг зур табибини уз вақтида солиқ туламаганлиги учун зиндонга солишади. Бундан беҳабар Темурнинг олдида шаҳар оқсоқоли келиб, арз қилади. Одамлар касалликка чалиниб, тинимсиз улаётганини, бунга фақат табибгина чора топиши мумкинлигини айтади.

Темур барча воқеани суриштириб билгач, дарҳол табибни озод қилишларини буюради ва бундан кейин касби халқнинг ҳаёти билан

боғлиқ одамлардан солиқ олинмаслигини таъкидлайди.

— Жуда яхши ҳикоя экан...

— Опа, айтинг-чи, сиз ҳам дostonларни яхши куриб уқийсизми?

— Албатта, менинг болалигим шу дostonлар таъсирида утган.

— Нега ҳозир дoston китоблари чиқарилмаяпти?

— Сенинг бу таклифингни дoston китоб чиқарадиган нашриётларга етказаман.

— Айтинг-чи опа, дostonдаги воқеалар утмишда булган-а?

—

— Менинг Гурӯғлини жуда кургим келади. Тушимда бир марта курдим.

— Қанақа экан?

— Роса катта киши, оти бирам чиройли...

— Дилмурод, сен билан суҳбатлашиб туриб роса билгим келаяпти. Айт-чи, ким булмоқчисан?

— Прокурорларнинг министри буламан.

— Бу касбнинг нимаси сенга ёқади?

— Менинг раҳматли бобожоним катта прокурор булганлар. Ҳозирча бобомнинг касбини авлодимиздан ҳеч ким давом эттирганича йук. Мен албатта буламан.

— Айтганинг келсин, укажон.

— Айт-чи, шеър едлашни яхши курасанми?

— Жуда куп шеърлар билан. Айтиб берайми?

Бисёр булса агар бол ҳам беқадр,

Такрор айтилганда рангсиздир калом.

Бу ёруғ оламда Ватан биттадир,


Биттадир дунёда она деган ном...

— Раҳмат, Дилмурод, саломат бул...

— Сизга ҳам раҳмат опа, мана, дадам ҳам келиб қолдилар. Мен кетдим. Дилмурод кетди.

Унинг ортидан ёруғ хаёлларим билан қолдим. Мурғак юрагини маърифат чароғон этган, зукко болаларинг бор экан, келажакнингнинг буюклигига шубҳам йук, Ватан!

Ҳалима АХМЕДОВА



Суратда: Темур Набиев, Фарҳод Пулатов, Нури Иудлошевлар Тошкентдаги 220-лисей мактабда уқишади. Кликул — каникулда уйнаб кул, — деб кушиқ куйлашади-ю, аммо қандай китоб уқисак экан, деб китоб излашади. Юрт тарихи, ота-боболар меросини урганиш уларнинг энг яхши курган машғулоти.

ЗАР ҚАДРИНИ ЗАРГАР БИЛАР

«Тонг юлдузи» — кечаги «Ленин учқуни»ни ҳарф таниган «Алифбо»дек ошноси булган, билимдонликка йуналтиришнинг алифбоси билган замонимиз алломалари муҳокама қиладилар. Фикр ва мулоҳазалари билан уқувчилар қалбига янада яқин булиши учун йул-йуриқлар беришни уларига шараф деб биладилар.

«Тонг юлдузи» — янгиликлар ойнаси

«Тонг юлдузи» — мактаб уқувчиларининг энг қадрдон, сеvimли нашри. У болалар учун ташаббуслар, янгиликлар ойнаси. Иншолар конкурси, шатранж клублари, ёш фотоҳаваскорлар клублари ташкил этилса. Табиат ҳақидаги энг яхши ҳикоялар учун танловлар эълон қилинса, компьютер дарслари унинг саҳифасида олиб борилса, яна ҳам яхши буларди. Антика суҳбатлар, хаёлпарастлар бурчаги, «қизларқирмишлар» каби рухлар ташкил қилинса. Чунки болалик дуненинг ранг-баранг воқеаларига қизикадиган таъсирчан бир фаслдир. Болаларнинг шу гузал дунёсига кузгу тутадиган «Тонг юлдузи» ҳар бир хонадонга кириб борса дейман.

Яқинда мен Олтиарик туманидаги қатоф мактабларда булдим, уқувчилар хилма-хил шеърлар уқиб беришди, қувондим. Ана шу қувончим ифодаси — Гулнозахоннинг бир шеърини танлаб олдим. Болаликнинг илк сузи, биринчи ижоди катталарни доим суюнтиради. Гудаклик боғининг илк бинафшасини суюнчилаб, азиз болажонларга туҳфа этаман.

ОЙДИН ҲОЖИЕВА,
Ўзбекистон халқ шоираси.

ҚАЛДИРҒОЧ

Эрта тонгда келди қалдирғоч,
Салом берди дов-даракларга.
Она кукка очиб кенг қулоч,
Кувнаб-кувнаб шух қилди парвоз.

Қалдирғочим, қалдирғоч,
Юртимга барақа соч.
Сени куриб йуларингга
Сочди нурун бобо қуёш.
Гуллар қуяй инларингга,
Сени севар кексаю ёш.
Қалдирғочим, қалдирғоч,
Юртимга барақа соч.
Кел, энди бир умрга
Қолгин мен билан бирга.
Берай сенга куп дон-дун,
Кувнаб уйнаймиз ҳар кун.
Қалдирғочим, қалдирғоч,
Юртимга барақа соч.

Гулноза УСМОНОВА,
Олтиарик
тумани, Беруний номли
31-ўрта мактабнинг 8«А»
синф ўқувчиси.



эрта туриб олибсан?

— Дадажон, менга шаҳардан Бурибой Аҳмедовнинг «Амир Темур» деган китоби олиб келинг...

Кун буйи Малоҳат кучадан кўз узмади, дадасининг йулини пойлади. Кечга яқин Қосим ака Амир Темур ҳақида бир эмас, бир даста китоблар олиб қайтди. Шарофиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асари, Рюи Гонзалес де Клавихонинг «Кундаликлари»и, шунингдек, В. Череванский,

Танишинг: викторина ғолибаси

МАЛОҲАТНИНГ ОРЗУЛАРИ МЎЛ

Иккала томони пахтазор, четларига тут дарахти экилган катта йул буйлаб узок юрдик. Ниҳоят, сулим бир кишлоққа кириб бордик. Олдийгина кучаларнинг бири — Оқработдаги бир уйнинг эшигини тақиллатдик. Ичкаридан урта ёшлардаги киши чиқиб, бизни ичкарига бошлади. Муъжазгина супа-чада бир даста газета-журналлар ётарди. Уларнинг орасида «Тонг юлдузи» ҳам борлигини куриб, севиниб кетдик. Ичкаридан олис йул босиб излаб келган қизимиз — Малоҳатхон бизга пешвоз чиқди. У билан узок суҳбат курдик.

— Ҳафтанинг жума кунлари мактабимизга газета ва журналлар келади, — дея суз бошлади Малоҳат. — Катта танаффусга чиқдим мактабимиз кутубхонасига ошиқдим. Столга ёйиб қуйилган янги нашрлар орасидан узим севган «Тонг юлдузи»ни олиб, варақлай бошладим. Шунда газетанинг туртинчи бетида эълон қилинган «Амир Темур ҳақида 10 савол» викторинасига кузим тушди. Қизиқиш билан саволларни уқиб чиқдим. Дарслар тугагач, уйга боришга ҳам сабрим чидамай, жавобларни ёзиб, газета таҳририятига бордим. Шундан сўнг газетанинг ҳар бир сонини аввалгидан ҳам кўпроқ интиқлик билан кута бошладим. Навбатдаги тур саволларига ҳам билганимча жавоблар йулладим. Қарабсизки, тўғри ва тезкор жавобларим учун мени викторина ғолиби, деб топишибди.

Билагон ва зукко қизимиз Малоҳатхон мактабда ҳам аълочилардан экан. Ғиждувон туманидаги Гафур Ғулом номли 28-мактабда «Аълочилар синфи» ташкил этилганида, унга биринчилар қатори Малоҳат Ражабовани утказишибди... Бир кун эрта тонгда ишга отланаётган дадаси қизининг ҳам барвақт уйғониб олганидан ҳайрон булди:

— Ҳа, қизим, тинчликми,

Ибн Арабшоҳ, Фосих Ҳавофийнинг соҳибқирон ҳақида



Жуда зўр шеър экан

ги асарларини куриб Малоҳатнинг кузлари севинчдан порлаб кетди, уларнинг барини уқиб чиқди. Айниқса, «Амир Темур» уғитлари рисоласини қулидан қуймади. Ундаги 188 уғитни ёд олди.

Ҳикоямиз қахрамонини таниган булсангиз керак. Газетамиз саҳифаларида салкам бир йил давомида соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб утказилган «Амир Темурни биласизми?» викторинасининг мутлақ ғолибаси бухоролик Малоҳат Ражабовадир. У юртимиз тарихини, миллий қадриятларимиз, хусусан, темурийлар даврини мукаммал урганиш ниятида уқиб-урғаништи, изланишти. Келгусидаги орзулари мул — тарих фани муаллимаси булиш! Викторинамиз ғолибаси булганлиги балки унинг орзулар йулидаги дастлабки довондан ошганидир. Бундай довонлар яна қанча учрамасин, улар қизчанинг билими, уткир зеҳни олдида бош эгаверсин, дегимиз келади.

Абдумалик
АБДУРАҲМОНОВ.

«ҲАММА ЧОРАЛАРНИ КҮРЯПМИЗ»

Мухтарам муштарийлар, эсингизда булса, «Тонг юлдузи» газетамизнинг шу йил 23 октябрь, чоршанба (78) сониди Тошкент шаҳар, Юнусобод туманидаги 274-мактаб уқитувчиси, Халқ маорифи аълочиси Маҳмуда Валиеванинг «Юришмаган юмушлар» рукни остида хат-хабарни эълон қилинган эди. Улуғ Навоий гарчанд, «ҳар не такрор улди, марғуб эмас» десаларда, сиз азиз уқувчилар рубарусида узр сураб, уша мақолани сизга эслатиш (такрорлаш)га мажбуримиз.

«...мен «Тонг юлдузи», «Гулхан» саҳифаларида, «Келажак тонги»ни тинглаб каби дарслар ташкил этгандим. Уқувчиларим ҳар икки ҳафтада утадиган бундай дарсларни орзиқиб кутадилар. Албатта, газета бизнинг яқин кумакчимиз ва маслаҳатчимиз. Аммо... биз газетга доим

майман. Пулни тарқатиб юборай десам, уқувчиларим яқин дусти, маслаҳатчиси булмиш газетадан узилиб қолади. Ёзилайлик десак, бор отангга, бор онангга, қабилида иш куришмоқда. «Маънавиятсиз келажак йуқ», — деб ёшларга алоҳида эътибор берилаётган шу кунларда руй бераётган бу ҳолга қандай баҳо бериш мумкин?

ОБУНА -97

Айтинг, кимга борайлик?».

Уқувчиларни маърифатли, етук куришни орзу қилаётган жонкуяр муаллима Маҳмуда Валиеванинг (фақат у кишинингми?) обуна хусусидаги ҳақли талаблари сабаб, яқинда таҳририятимизга матбуотни тарқатиш уюшмаси ассоциа-

муаллима Мҳмуда Валиева!

Биз «Тонг юлдузи»нинг бир йиллик сонига 852 сум туладик. Обунанинг шу нархи тўғрими? Деяётган бухороликлар, «биз 900 сумга обуна булдик обуна нархи шунақа қимматми?» деяётган жижзахликлар, Сизга аниқ-тиниқ қилиб айтиликки «Тонг юлдузи»нинг каталог нархи аслида бир йилга 516 сум.

Лекин ҳар бир вилоят матбуот тарқатиш ташкилоти йул харажатларини ҳисоблаб, газетга узлари обуна нархини белгилайдилар. Сизнинг ва бизнинг бу борадаги барча саволларимизга Республика матбуот тарқатиш маркази бошлиғи Абдусаттор Ортиқов шундай жавоб қилдилар:

«Маълумки, 1997 йил учун обуна бошлангандан кейин оммавий ва болалар учун мулжалланган нашрларга имтиёзли нархлар белгилаш ҳақида қарор қабул қилинди. Бунинг учун бизнинг ташкилотларимиз редакциялар, нашриётлар, халқаро почтамаг ва вилоят почта корхоналари билан биргаликда ички имкониятларни қидириб топиш ҳисобига обуна нархини иложига борича камайтириш борасида анчагина иш олиб борди. Натигада бир неча кунгагина каталоглар йиғиб олиниб, тегишли узгартиришлар киритилди.

Ҳозирги кунда обуна барча алоқа булимларида олиб борилмоқда. Радио, телевидение, газеталар орқали мунтазам ахборот бериб борилмоқда. Сизнинг муштарийларингиз йил давомида севган газеталарини уз вақтида олишлари учун ҳамма чораларни кураепмиз».

Ҳурматли муштарийлар, «Тонг юлдузи»га обуна булишда сансалорликдан безор булган бухоролик, жижзахлик ва бошқа муштарийлар!

Чамамизда, бошингиздан обуна ташвиши ариб, сансалорлик сафари қариб бормоқда. Негаки, Сиз, уз кузингиз билан иккала хурматли масъул раҳбар: Р. С. Қосимовнинг ҳам, А. Ортиқовнинг ҳам уз сузларини уқидингиз. Айниқса, Республика матбуот тарқатиш маркази бошлиғи Абдусаттор Ортиқовнинг «...сизни муштарийларингиз йил давомида севган газеталарини уз вақтида олишлари учун ҳамма чораларни кураепмиз» — деган жавоби жуда қувончли ва қимматли.

Ҳурматли муштарийлар, «Тонг юлдузи»нинг каттаю-кичик, ёшу улуг, мургагу муътабар мухлислари, энди сизнинг обуна ишларингиз юришиб, бизнинг ҳам «юришмаган юмуш»ларимиз юришадиган булди.

Улуғ ҳадислардан маълум булишича: «Ваъда — қарзидир».

Ваъда бердимиз, бажаришга урганиб қолган иккала масъул раҳбаримиз ҳам сизу биздан одатдагидек қарздор булиб қолмайди, деган умиддамиз.

«Эр — сузи бир»лигига ишониб, ҳаммангизга тангилигу тинчлик тилаб қолувчи

«ТОНГ ЮЛДУЗИ»
ТАҲРИРИЯТИ.

ҳам етиша олмаймиз. Сабаби — аввалги йил кўп уқувчиларим Юнусобод туманидаги 114-алоқа булими орқали «Гулхан»га обуна булган эдилар. Афесуски, Нодира, Лайло, Гузал сингари уқувчиларим бор-йўғи журналнинг иккита сонини олишди.

Айрим уқувчиларимиз эса Тошкент туманидаги 16-алоқа булимида журнал ва газетанинг барча сонларини олиб турганлари ҳолда шаҳардаги аҳвол шундайлиги бизни ранжитди. Шу кунларда обуна мавсуми бошланган. Уқувчиларим ёзги таътилда ишлаб топган ёки музқаймоққа аталган пулларини туплаб, севимли газеталари «Тонг Юлдузи»га обуна булиш умиддилар. Лекин бир ташвиш мурғак қалбларга озор бермоқда:

— Обуна булсам газета келармикан?

Қаеқда, бошқа муаммолар ҳам бор экан. 6 та уқувчининг пулини олиб 114-алоқа булимига бордим, «ҳали нархи номаълум, кейинги ҳафтада келинг», — дейишди. Бушашиб 16-алоқа булимига бордим. «Каталог келгани йуқ», — деган жавобни олдим. Кутубхонамизга учрадим, «РайОНОдан каталог тарқатишмади», — дейди у. Ҳозир кулимда обуна пули, қаерга боришни, нима қилишни бил-

циясининг бошқарув раиси Р.С.ҚОСИМОВ номидан жавоб хати келди:

—Тошкент шаҳридаги алоқа булимлари «Тошкент почтаси» корхонасига қарашли 114 алоқа булими иши буйича ушбу корхонага мурожаат этишингиз керак.

Бизнинг корхоналар (аввалги «Союзпечать») давлат тасарруфидан чиқарилгандан кейин ҳиссдорлик жамиятига айлантирилган.

Биз «Сизнинг газетангизни «Рузномалар» савдо тармоқлари орқали тарқатамиз. 1997 йилги почта корхоналарига рақобатлик иш очиб, обуна билан ҳам шугулланаётимиз.

1997 йилда Қозоғистон республикасида тарқатиш учун ҳам сизнинг газетангизни ушбу республика каталогига киргизганмиз», — дейилади хатда.

Қувончли-а? Чимкент, Сайрамда ҳам обуначиларимиз борлиги, уларга обуна учун йул-йуриқлар муқаррарлиги қувонтиради-да!

Ким сенга бир харф уқитмиш юз ранж ила,
Айламак булмас адо, онинг
ҳаққин юз ганж ила,

— дейди улуг Навоий.

Ҳаққини уқувчилари ҳеч қачон адо қилолмайдиган фидойи

КИЧИКНИ МАҚТА, КАТТАНИ САКЛА

Додажоним вафот этганларида мен турт ёшда эдим. Кичкина булсам-да, уларни жуда яхши эслайман. Айниқса, бир фазилатларини. Додажонимдан биз—набиралари, умуман ҳаммаям бирор нарса сурасак, ҳеч эринмай бамайлихотир тушунтириб берардилар. Ҳали-ҳали эслайман. Ҳар куни эрталаб туриб ювингач, уларнинг хо-

тириб берардилар. Энди эласам, мени ёдида қолсин деб шундай қилган булсалар керак-да. Менам ҳар гал қизиқиш билан гапларини эшитар, уларни тинглашни ёқтирардим. Яна ора-чора «нимага шунақа?» деб савол беришдан қолмасдим. Шунда додажоним «серсавол қизим-ей», дердилар-да, яна бошидан тушунтира бошларди-



КҮП УҚИБ, КҮП ҲУРАНИШИМ КЕРАК...

наларига кирардим. Узлари ургатгандек эгилиб салом берардим. Газета уқийтган булсалар ҳам, нарса ёзаётган булсалар ҳам, ҳар қандай ишларини қуйиб, гуе мени кутаётгандек «Ие, ие, келинг, ва-алайкум ассалом» дея қарши олардилар. Кейин додажонимнинг тиззаларига утириб олиб иш столларининг устидаги ҳар бир нарса: буюм, суратлар, китоб, ҳайкалчалар ҳақида ижжилаб сурар эдим. Қизиги шундаки, ҳар сафар бир нарса сурасам ҳам эринмасдан бошидан тушун-

лар. Охири «суҳбатимиз» тугагач, мени тиззаларидан тушириб, «қани, азонда самолёт Адибахонга нима ташлаб кетганикин?» дердилар-да, столнинг бир чеккасида турган опшоқ даструмолнинг тагидан иккита конфет олиб берардилар. Ушанда самолёт Асалхон опам билан менга ростдан ҳам конфет ташлаб кетаркан, деб уйлардим. Яна бир нарса: Додажоним боғчага бормайдиган кунларим албатта пешинда мени ухлатардилар. Ухлатганда ҳам, майин қуллари билан бошимни силаб, сийпалаб ухлатардилар.

Уйгонганимда эса кароватимнинг бошида ё каттакон пуфак, ёки турли уйинчоқларимни чиройли қилиб осиб қуйган булардилар. Буни додажоним қилганларини дарров билиб олардим.

Тугри, додажоним Асалхон, Лолахон опаларимни ҳам жуда яхши қурадилар-у, аммо мени... балки уша пайтда кичик набиралари булганим учундир, жуда яхши қурадилар.

Яна ёдимда қолгани, додажоним телефонда одамларга қанақа муомала қилиш кераклигини ҳам ургатардилар. «Дастакни олганда «алло» эмас, «лаббай» дейиш керак, кейин «кечирасиз, кимни чақирай», — деб сураш керак», дея ҳар гал тушунтирардилар. Бундай, купчилик эътибор бермайдиган одатлар, фазилатлар менинг додажонимгагина хос эди. Чунки, улар ҳаммага баробар меҳрибон, ширинсуз эдилар-

да. Мен ёзувчи Раҳмат Файзийдек буюк инсоннинг набираси эканлигимдан фахрланаман. Сизларга бир сирни айтгай: асли менинг исмиمنى додажоним қуйганлар. Катта булганида катта адиба булиб етишсин, деб ният қилган эканлар. Бунинг учун куп уқиб, куп урганишим керак ҳали.

Адибахон **ҒАЙРАТ** қизи.

ОЛМАХОН ВА БҮРИ

Олмаҳон у шохдан бу шохга юриб, туппа-туғри уйида ётган бурининг устига йиқилиб тушди.

Бүри сапчиб турди ва уни емоқчи бўлди.

Олмаҳон: — «Мени қуйиб юбор» — деб яппина бошпади.

Бүри бўлса: «Хўп майли, мен сени қуйиб юборай, сен менга фақат шунга айт, нима учун сиз олмахонлар жуда қувноқсиз? Мен бўлсам, доим зерикаман, лекин сизга қарасам, сиз дарахт тепасида ҳамниша уйнайсиз ва у ёқдан бу ёққа сакраганингиз сакраган», — деди.

Олмаҳон айтди: «Олдин мени дарахтга қуйиб юбор, у ердан туриб сенга айтиб бераман, бўлмаса сендан қўрқаман».

Бүри уни қуйиб юборибди. Олмаҳон дарахтга чиқиб олди ва у ерда туриб шундай деди: «Шунинг учун ҳам сенга зерикарлик, сен ваҳшийсан. Сенинг ваҳшийлигинг юрагингни сиклади. Биз шунинг учун қувноқсизлик, ювош ва ҳеч кимга озора

МАСАЛА

Икки машинада бир хил оғирликда 200 қоп ун ортилган. Биринчи машинадаги ун 7.600 килограмм. Иккинчи машинадаги ун 8.400 килограмм. Ҳар машинага

неча қопдан ун ортилган?

БИЛАСИЗМИ?

1. Қайси оддий металнинг парчаси билан қоғозга ёзиш мумкин? 2. Қайси металнинг парчасини оддий ҳавончада янчиб, кукуллаш мумкин?

3. Кислород сузининг маъноси нима?

4. Қайси металллар керосинда ёнмайди, лекин сувга тушган заҳоти алангаланари?

ҲАЗИЛ САВОЛЛАР

1. Қизилшойи рўмол денгиз тубида беш минутча турса нима бўлади?

2. Қандай соат вақтини суткада фақат икки марта тўғри кўрсатади?

3. Сув устундек тик турадими?

ТУЗДАН ҲАМ ЯХШИ КҲРАМАН

Подшоҳнинг кенжа қизи отасига, сизни туздан ҳам ях-

ши қураман, деганида ота бундан газабланган ва қизини узидан нарига бадарга қилган эди. Вақт утиб ноҳақлигини тан олган подшо қизининг ақлу-заковатига қанчалар қойил қолганини сиз халқимиз эртақларидан биласиз. Ростдан ҳам туз шунчалик қадрлимикан-а?

Йулда, айниқса кун иссиқ вақтларда бадан буг чиқариш билан совиб туради. Бадандаги сувни буғлантириш учун эса юракни куп ишлаши талаб қилинади. Киши бадани сувни қанчалик буғлантирса, унинг ўрнини тўлатиш учун шунча куп сув талаб қилина-

ди, шу сабабдан киши қанча терласа, шунчалик чанқайди. Чанқоқни сув билан қондириш юракни купроқ ҳаракатга келтиришга, ишни орттиришга олиб келади.

Шундай қи-

либ, киши чанқоқни сув билан бостиргудай булса, йулда куп куч сарф қилади ва чарчайди. Агар организмда туз булса, у туз маълум миқдорда сув билан аралашиб, уни тўтиб туради ва шу билан юракни ишини енгиллаштиради.

Кучини сақлаб турган организм эса, чарчаган организм-

га қараганда камроқ чанқайди.

ШАМОЛ НЕГА САЛҚИН БЕРАДИ?

Ҳамма биладик, шамолли кунлар шамолсиз тери — дим кунларга қараганда салқинроқ булади. Бунинг сабаби, баданимизни иситиб турган ҳаво қатламнинг атрофдаги совуқроқ ҳаво билан алманиб туришидир.

УМР ҲАЧОВИ


Куп йиллик текширишлар ва кузатишлар натижасида ҳайвон ва паррандаларнинг неча йилгача яшашлари аниқланган.

Масалан, тўяқуш 40 йилгача, гоз 65 йилгача умр кечирдишлари мумкин экан. Тovuқ узoқ деганда 30 йил, чумчуқ 14 йил яшайди. Баъзи тўтиқушлар 80—102 ёшга кириб улганлар. Ҳайвонот боғида бир калхат 101 ёшида улган.

Фил 150—200 йил, от 40 йил, эшак 45—50 йил, сигир ва буқа 20—25 йил, мушук 20 йил, итлар 12—15 йил умр кечирдишлари мумкин экан, аммо битта итнинг 35 ёшгача яшганлиги маълум. Қаламуш камдан-кам уч ёшга кирар экан.



Бир бор экан...



ОЛТИН ҚИЗ



рилибди. Олтин қиз бола-сини куриб уйнаб юриши учун қабрдан кичкина тешик очиб берилди.

Олтин қиз углига «Гурурбек» деб от қуйибди. Гурурбек ҳар куни туш пайтида бир маҳал қабрдан ташқари чиқиб уйнаб, яна қабрга қайтиб келар экан. Гурурбекнинг бундай ҳолатини курган одамлар бу бола «ажина», «одаминг руҳи» деб уйлабдилар. Лекин бу ҳолиса ҳар куни такрорланаётганини курган одамлар Гурурбекни пойлаб ушлаб олишибди. Улар боладан: «Отанг,

онанг ким? Отинг нима?», деб сурашса, бола, «онам билди», — деб айтибди. Одамлар боладан: «Бор онангдан сураб чиқ!» дейишибди. Бола она-сининг олдига кириб: «Мени-

нг отам ким? Сен мени нима учун қабрда туғдинг? Сенинг ота-онанг ким? Сен нима учун бу ерга келиб қолгансан?» — деб сурабди. Онаси бошидан утган ҳамма воқеаларни айтиб

берибди. Сунгра Гурурбек онасидан эшитган гапларини қабр ташқарисидаги одамларга айтибди. У кишилар бола ушлаб, Қайсар шоҳнинг олдига олиб келибдилар. Қайсар шоҳ туғиб келтирилган бола орқали ҳақиқий келинидан дарак топиб, Олтин қиз учун яхши соябон арава ясашиб, икки-уч сидрадан кийим ҳозирлаб, Дилафзунни бирга қушиб, учтurt каниз билан Гурурбекни ясантириб, қабрга жунатибди. Қабрни очиб Олтин қизни олишибди ва аравага солиб, шоҳ олдига олиб келибдилар. Ҳақиқий келинини юрган изидан тиллалар тукилибди. Кулганда гуллар очилибди. Йиглаганида марваридлар тукила бошлабди. Шоҳ ҳақиқий келинини топгач, туй-томоша қилиб, Дилафзунни унга уйлантирибди. Олтин қизнинг бошига оғир кулфат солган қораниятли каниз ва уни онасининг кул-оёқларини боғлаб, дашт-биебонга ҳайдаб юборибди.

Ҳаммангиз севиб, ардоқлаб уқийдиган, уқиб суюнадиган газетангиз. Сизнинг, Бизнинг, ҳаммамизнинг газетамиз — «ТОНГ ЮЛДУЗИ»га обуна давом этаяпти.

АЗИЗЛАР!

Киш яқинлашган сари йирик-лашувчи «Тонг юлдузи» — Чулпон қанча тиниқ булса, қишга яқинлашган сари Бизнинг, Сизнинг, Ҳаммамизнинг «Тонг юл-

дузи»миз — газетамиз нархи ҳам шунча аниқ булди: 1 ойга бор-йўги 45 сум.

АЗИЗ БОЛАЖОН! Борлиги совук, узи ҳам музлаб қолган — музқаймоқдан бор-уғи уч марта воз

Тонгда, субҳидамда, субҳи содиқда турингу озода куйлагингиздек, ораста эгнингиздек пок-покиза манглайингизда ярқираб турган «Тонг юлдузи»га бир қаранг. Қаранг, қарайверинг.

ажабмас. Бунинг учун бор-йўги «Тонг юлдузи»га обуна булишингиз кифоя. Обуна нархи:

1 йилга 516 сум.

УНУТМАНГ, БИР ЙИЛДА 104 МАРТА «ТОНГ ЮЛДУЗИ» БИ-

ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! ОБУНА 97 ДАВОМ ЭТМОҚДА

кечолсанг, «Тонг юлдузи»га обуна буласан, роппа-роса 1 ой мазза қилиб, тикилиб-тикилиб гафтли «Тонг юлдузи»ни томоша қиласан. Балки, суюниб-суюниб уқийсан ҳам.

Унутма, ҳисоблаб кур, куйинсанг уч кун куйинасан-у суюсанг саккиз кун суюнасан. Хуллас, 1 ОЙ ДАВОМИДА САККИЗ (8!) МАРТА «ТОНГ ЮЛДУЗИ» БИЛАН ДИЙДОР КУРИШАСАН.

Дийдор муборак, болажон!
МУҲТАРАМА МУНИС ҚИЗЛАР!

нг. Толдингизми?

Бас, қузингизни олинг, этингиз жимирламай, лабингиз кимирламай туриб, ерга бир қаранг. Табаррук ерда ҳам «Тонг юлдузи» пайдо булибди. Унга бир қаранг. Қараб қуйинг унга, кунгил-кунгилдан сув ичар, юлдуз юлдуздан нур ичар, дейишади.

Вақт келиб, юлдузи-юлдузига тугри кепти, — деган гапни эшитгунингизча юлдузингиз — «Тонг юлдузи»га тугри келса

ЛАН УЧРАШАСИЗ.

УЧРАШУВГА КЕЧИКМАНГ.

АЗИЗ ОТА-ОНА!

Боласи учун дунёда ҳар недан азиз, ҳар кимдан аъло булган, болаларнинг суянган тоғи, ишонган боғи, бошпаноҳи ота-она!

Уғлини ҳай жоним — жигарим — улим, деб, қизини — искасам гулим, деб бағрига босгуча, манглайдан ушгучи, эркалаб уйнагучи, куйингки, силаб-сийпалагучи ота-она!

Жондан ортиқ курадиган, юл-

дузи ёруғ болангизни «Тонг юлдузи»га ошно қилинг. Муголаага киришган фарзандингиз юзидан нур ёғилгай. Зероки, илм-ибодатдан афзал, демишлар. Демакки, ибодат юзга нур берганидай, илму мутолаадан юз ёришгай — нурлар тукилгай.

Сен мени кунглимини ол, мен сенга жоним берай, дейишади. Болангизни кунглини олинг. Болангизни кунгли «Тонг юлдузи»да. Юлдузсевар болангиздан «Тонг юлдузи»ни аяманг!

Абдулла АВЛОНИЙ

МАКТАБ

Мактаб уйи — доруломон,
Мактаб ҳаёти жовидон,
Мактаб сафойи қалби жон,
Файрат қилуб уқинг, уғлон!

Мактаб эрур доруладаб,
Мактаб эрур эҳсони раб,
Мактаб эрур гулзор ажаб,
Файрат қилуб уқинг, уғлон!

Мактаб дуру гавҳар сочар,
Мактаб сиза жаннат очар,
Мактаб жаҳолатдан қочар,
Файрат қилуб уқинг, уғлон!

Мактаб сизи инсон қилур,
Мактаб ҳаё эҳсон қилур,
Мактаб гами вайрон қилур,
Файрат қилуб уқинг, уғлон!

Мактаб уқувни курсатур,
Мактаб езувни ургатур,
Мактаб уйқудан уйготур,
Файрат қилуб уқинг, уғлон!

Мактабдадур илму камол,
Мактабдадур ҳусну жамол,
Мактабдадур миллий ҳаёл,
Файрат қилуб уқинг, уғлон!

Мактаб

*Мактаб уйи - доруломон,
Мактаб ҳаёти жовидон,
Мактаб сафойи қалби жон,
Файрат қилуб уқинг, уғлон!*

*Мактаб эрур доруладаб,
Мактаб эрур эҳсони раб,
Мактаб эрур гулзор ажаб,
Файрат қилуб уқинг, уғлон!*

*Мактаб дуру гавҳар сочар,
Мактаб сиза жаннат очар,
Мактаб жаҳолатдан қочар,
Файрат қилуб уқинг, уғлон!*

*Мактаб сизи инсон қилур,
Мактаб ҳаё эҳсон қилур,
Мактаб гами вайрон қилур,
Файрат қилуб уқинг, уғлон!*

*Мактаб уқувни курсатур,
Мактаб езувни ургатур,
Мактаб уйқудан уйготур,
Файрат қилуб уқинг, уғлон!*

*Мактабдадур илму камол,
Мактабдадур ҳусну жамол,
Мактабдадур миллий ҳаёл,
Файрат қилуб уқинг, уғлон!*

Abdulla Avloniy тимол. Аммо кимларнингдир

ҒАЗЕТАНИНГ МУХБИРИМИЗ-ДА

Бизни, яъни Гиждувон туманидаги 3-мактаб уқувчиларини нафақат вилоятда, ҳатто республикадаги тенгдошларимиз ҳам яхши танишади. Буни мактабимизга келаятган хатлардан ҳам сезса булади. Чунки газета қошидаги «Еш мухбирлар сиртки мактаби»нинг фаол аъзоларимиз, Редакцияга уз она кишлоғимиз «Соктаре» ҳақида, қадрдон мак-

табимиз, сеvimли спорт командамиз, азиз ва меҳрибон устозларимиз ҳақида жуда куп эзганмиз.

Мана, газета ва журналларга обуна мавсуми ҳам қизгин давом этмоқда. Биз ана шу муҳим паллада уз ҳамкоримиз, маслакдошимиз, кумакдошимиз, дилимиздаги бор

гапларни тенгдошларимизга ёювчи дустимиз «Тонг юлдузи»га хурсандчилик билан обуна булдик.

Озода ХОЛОВА,

Муҳаббат НАСИЛЛАЕВА,

Муътабар САНАЕВА,

Гулбиби ИКРОМОВА,

Бухоро вилояти, Гиждувон

туманидаги Садриддин Айний

номли мактаб уқувчилари.

Лотин алифбосини ўрганамиз

Эътибор берган булсангиз, республикамиз ойнаи жаҳонда бизга нотаниш алифбодаги ёзувлар пайдо була бошлади. Кимдир буни инглизча ҳаёл қилаётган булса, яна кимдир, нега лотинча ёзишади, деб жигибийрон булаётгандир эҳ-

парвои палак. Энг ёмони ҳам шу-да. Инсоният учун бепарволикдан оғирроқ касал булмайдиган дунёда. Айниқса, сиз ёшлардан — республикамиз келажакдан бу дард олисроқ юришини жуда-жуда истардик. Мақсадга утсак, биз суз юритаётган алиф-

бо асло бегона эмас, у лотин алифбосига асосланган янги узбек ёзувидир. Эшик қоқиб турган — XXI асрда биз шу ёзув билан иш кураимиз. Демак, келажакнингизга замин тайёрлашни бугундан бошланг. Бир кун кечиккан ҳам хато қилади.

ТОНГ ЮЛДУЗИ
Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Бош муҳаррир Умида АБДУАЗИМОВА

Тахрир хайъати:
Наримон ОРИФЖОНОВ,
Омон МАТЖОН,
Гулнора ЙЎЛДОШЕВА,
Марат ШАФИЕВ,
Феруза ЖАЛИЛОВА.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Оффсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ. Буюртма — Г-0317. 7691 нусхала босилди. Қоғоз бичими — А-3. Босишга топшириш вақти 19.00. Топширилди — 18.30

• Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137
• Манзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
• Телефон: 33-44-25

